



ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАРКИБИДАГИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ОПТИМАЛ МЕЪЁРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Тохиров Жавлон Рахимович -

*Бухоро давлат университети Маркетинг ва
менежмент кафедраси ўқитувчиси*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a49

Аннотация. Ушбу мақола таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шериклик таркибидаги элементларнинг оптимал меъёрларини белгилаш йўллари бағишланган бўлиб, таълим соҳасидаги давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-иқтисодий элементлари таркибидаги хусусий инвестиция, давлат бюджетидан молиялаштириш, субсидия бериш, ссуда олиш ва солиқ имтиёзларини жорий қилишнинг оптимал меъёрларини белгилаш орқали таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш асосланган.

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари, давлат-хусусий шериклик, хусусий инвестиция, бюджетдан молиялаштириш, субсидия бериш, ссуда олиш, солиқ имтиёзлари.

ПУТИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ОПТИМАЛЬНЫХ НОРМ ЭЛЕМЕНТОВ ГОСУДАРСТВЕННО- ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ

Тохиров Джавлон Рахимович -

*преподаватель кафедры «Маркетинг и менеджмент»
Бухарского государственного университета*

Аннотация. Данная статья посвящена способам определения оптимальных нормативов элементов государственно-частного партнерства в повышении качества и эффективности образовательных услуг, а также оптимальной реализации частных инвестиций, финансирования из государственного бюджета, субсидий, кредитов и налогов. стимулирование организационно-экономических элементов государственно-частного партнерства в сфере образования на основе повышения качества и эффективности образовательных услуг путем установления стандартов.

Ключевые слова: образование, образовательные услуги, государственно-частное партнерство, частные инвестиции, бюджетное финансирование, субсидии, кредиты, налоговые льготы.

WAYS TO DETERMINE THE OPTIMAL STANDARDS OF THE ELEMENTS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN IMPROVING THE QUALITY AND EFFICIENCY OF EDUCATIONAL SERVICES

Tokhirov Javlon Rakhimovich -

*lecturer at the Department of Marketing and
management, Bukhara State University*

Abstract. This article is devoted to ways to determine the optimal standards for the elements of public-private partnership in improving the quality and efficiency of educational services, as well as the optimal implementation of private investment, funding from the state budget, subsidies, loans and taxes. stimulation of organizational and economic elements of public-private partnership in the field of education based on improving the quality and efficiency of educational services by setting standards.

Keywords: education, educational services, public-private partnership, private investment, budget financing, subsidies, loans, tax incentives.

Кириш. Жаҳонда таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Таълим сифати ва қамровини оширишда замонавий тенденциялар таъсири, масофавий индивидуал таълим шакли устунлик ва имкониятларидан фойдаланиш, миллий таълим тизимида жорий этиш хусусиятларини аниқлаш, инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга таълим хизматлари соҳасининг таъсирини баҳолаш, рақамли технология ва платформаларни қўллаган ҳолда илғор таълим

восита ва шакллари жорий этиш, таълим хизматларининг янги технологик турларини яратиш орқали таълим қамрови ва сифатини ошириш бу борадаги муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт тармоқлари талаби асосидаги малакали ва сифатли кадрларни етказиб берувчи таълим тизими қамрови ва сифатини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида таълим хизматлари соҳасини давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизми асосида ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг нафақат бир йиллик, балки яқин келажакдаги устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Унда “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққою ягона тўғри йўлидир” [1], – деб таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, таълим соҳасини жадал ривожлантириш ҳаётий заруратга айланган бир паллада, таълим соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмларидан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқиш масаласи бироз мураккабликни талаб этади. Чунки шу иккала механизм бир вақтнинг ўзида ҳам давлатга, ҳам хусусий тадбиркорнинг манфаатига мос бўлиши лозим. Ушбу жиҳатларни инobatга олиб, ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш ўта долзарб муаммолардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Таълим хизматлари сифатини ошириш, хусусан, таълим соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмларидан фойдаланиш бўйича хорижий ва республикамизнинг кўплаб олимлари илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Масалан, Е.А.Дмитриева: “давлат билан ҳамкорлик ёки давлат-хусусий ҳамкорлиги – субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бунда субъектлар асосий 8 та мажбуриятларидан ташқари, худудда таълим тизимини ривожлантириш шароитларини яратишни ҳам ўз зиммаларига олади. Бундан мақсад талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва худудда яшовчи аҳолининг талаблари, яъни потенциал иш берувчиларнинг эҳтиёжини қондиришдан иборат”, – деб таъкидлайди [2].

В.Г.Варнавский: эса “бизнес давлат учун эмас, балки давлат бизнес учун тамойили устуворлик қилганидир. Ҳамкорликнинг мазкур тамойили устуворлиги ўзаро манфаатдорликка хизмат қилган ҳолда томонларнинг келишуви асосида курилади. Бундай ўзгаришлар, асосан, аралаш ёки қўшма иқтисодиёт назариясига тўла амал қилади, умумий ривожланиш векторини эса давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги янги босқичининг шаклланиши деб ҳисобласа бўладики, бу хусусий капитал аралашувининг кенгайишига олиб келади”, – деб фикр билдиради [3].

М.Б.Жерард эса: “ДХШ хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради”, – деб уқтириб ўтади [4].

Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро анжуманда эса таълим соҳасидаги давлат билан ҳамкорлик ёки ДХШ концессион ҳамкорлик фаолиятини ва шаклини белгилаш икки усулда,

яъни курилиш бўйича фаолият: таълим объектининг реконструкцияси ва қайта таъмирланиши ҳамда таълим хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга ажратиб кўрсатилади [5]. Иқтисодчи олимлар Ш.Ш.Шодмонов ва У.В.Ғофуров ўзларининг «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида “Барча мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат сектори мавжуд. Давлат секторини бошқариш мулкчиликнинг давлат шаклига асосланиб, у, асосан, қуйидаги учта йўл орқали шаклланади: ишлаб чиқариш воситалари эгаларига пул ёки қимматли қоғозлар билан товон тўлаш орқали мулкни миллийлаштириш; давлат бюджети маблағлари ҳисобига янги корхоналар, баъзи ҳолларда яхлит тармоқларни барпо этиш; давлат томонидан хусусий корпорацияларнинг акцияларини сотиб олиш ва аралаш давлат-хусусий корхоналарини ташкил этиш” деб кўрсатиб ўтган [6].

Тадқиқотчи У.И.Джуманиязов эса ДХШ асосида уй-жой курилиши соҳасида фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларда бошқарув механизмларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот олиб борган [7].

ДХШни ўрганишнинг фундаментал асослари давлат ва бизнес ўртасидаги шериклик муносабатларини ижтимоий соҳада, хусусан, таълим соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш бўйича бир қатор олимлар изланишлар олиб бориб, маълум ёндашувлар асосида ечимлар топишган бўлса-да, бироқ бевосита таълим хизматлари сифатини оширишда ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини бугунги кун имкониятлари асосида назарий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва унинг хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш ҳамда айтиш шундай йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, статистик таҳлил, иқтисодий-математик усуллар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, қонун ҳамда тадқиқот мавзусига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Таълим соҳасидаги ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш нуқтаи назаридан иқтисодий жиҳатдан шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун қўшма сармоялар (ресурслардан биргаликда фойдаланиш шароитида илмий, ўқув лойиҳалари), банк кредитини жалб қилиш, қимматли қоғозларни чиқариш, замонавий таълим технологияларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва ишлаб чиқариш соҳаси билан таълим соҳаси ўртасида таъриба алмашишни амалга ошириш мақсадида корпоратив таълим дастурларида таълим муассасалари ўқитувчиларининг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ.

Бу борада фискал дастакларнинг давлат бюджетидан молиялаштириш ва солиқ имтиёзларини мувофиқлаштириш элементларини киритиш асосида такомиллаштириш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Чунки таълим соҳасида ДХШнинг ривожланиши давлат томонидан берилаётган молиявий ёрдам билан боғлиқ бўлиб, форс-мажор шароитларда томонларнинг қайси

бири бўлса ҳам ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмай қолган вазиятда қўл келади. Ўзбекистон шароитида, жумладан, тадқиқотнинг объекти ҳисобланган Бухоро вилоятида яхши натижа бераётган ДХШ асосидаги мактабгача таълим ташкилотларига ёрдамга бериладиган пул маблағларида яққол кўринади (1-жадвал).

1-жадвал

Бухоро вилоятида жойлашган ДХШ асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари учун ажратилган субсидия маблағлари

№	Шаҳар ва туман номи	2019 й.		2020 й.		2021 й.	
		Сони, донада	Сумма, млн. сўмда	Сони, донада	Сумма, млн. сўмда	Сони, донада	Сумма, млн. сўмда
1.	Бухоро шаҳар	3	116,1	7	307	8	571
2.	Когон шаҳар	1	3,4	4	51,9	4	184
3.	Олот тумани	1	113,1	1	30,1	1	24
4.	Бухоро тумани	2	84,5	5	143,6	6	287
5.	Вобкент тумани	0	0,0	0	0	3	196
6.	Ғиждувон тумани	0	0,0	3	84,7	3	257
7.	Когон тумани	3	70,5	4	155,9	4	214
8.	Қорақўл тумани	6	181,1	8	232,7	8	390
9.	Қоровулбозор тумани	0	0,0	1	30,9	1	96
10.	Пешқў тумани	2	63,0	3	96	3	187
11.	Ромитан тумани	5	299,7	7	327,4	9	659
12.	Жондор тумани	9	548,1	9	431,8	11	647
13.	Шофиркон тумани	5	304,7	8	351,5	8	567
Жами:		37	1 784,4	60	2243,5	69	4 279,0

Манба: Бухоро вилояти Молия бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Бухоро вилоятида ажратилган субсидия маблағлари 2019 йилда 1 784,4 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб, 4 279,0 млн. сўмни ташкил қилди. Вилоятда субсидия ажратилган ДХШ асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари сони 2019 йилда 37 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб, 69 тага етган. Бунинг асосий сабаби коронавирус пандемияси бўлиб ҳисобланади. Фикримизча, ушбу молиявий ёрдамни мактабгача таълимдан тортиб, олий таълимгача қўллаш лозим.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка Республикасининг инглизча талаффуздаги (Brazil, Russia, India, China, South Africa) номларининг бош ҳарфларидан ташкил топган BRICS мамлакатларида ДХШга йўналтирилган умумий инвестициялар ҳажми Бразилияда 361,224 миллион АҚШ долларини, Россия Федерациясида 36,924 миллион АҚШ долларини, Ҳиндистонда 252,897 миллион АҚШ долларини, Хитойда 193,701 миллион АҚШ долларини, Жанубий Африка Республикасида эса 25,566 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Умумий лойиҳалар сони бўйича қарайдиган бўлсак, Бразилияда 951 тани, Россия Федерациясида 91 тани, Ҳиндистонда 1,031 тани, Хитойда 1,655 тани,

Жанубий Африка Республикасида эса 110 тани ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин[11].

Хусусан, BRICS мамлакатларида кўрсатилаётган таълим хизматлари умумий ҳажми давлат, хусусий ва ДХШ олий таълим муассасалари (ОТМ)да амалга оширилгани ижобий натижаларга эришишда муҳим роль ўйнайди. Бу масала бўйича BRICS мамлакатларининг илғор тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатяптики, таълим хизматлари умумий ҳажмига нисбатан мос равишда давлат ОТМда 40 %ни, хусусий ОТМда 33 %ни, ДХШ ОТМда 27 %ни ташкил этди [8].

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқла-

рини ривожлантириш белгиланган. Фикримизча, келажакда турли мулкчилик шаклларидаги ОТМларни ташкил этиш имконияти ортиб боради. Гипотезага мувофиқ давлат ОТМларнинг келажакда сони кўпаяди, ammo ҳиссаси камайиб борадиган бўлса, хусусий ОТМларнинг келажакда сони ва умумий ОТМ таркибида ҳиссаси ҳам ошиб боради ва ДХШ ОТМларнинг келажакда сони ва умумий ОТМ таркибида ҳиссаси ҳам ошиб боради [9].

Кўп омилли эконометрик моделлар асосида таълим хизматлари бозори ривожланиши мақсадли кўрсаткичларини шакллантириш борасида олиб борган тадқиқотларимизда дастурий пакетдан фойдаланган ҳолда аниқланган тренд моделлари асосида 2021-2025 йилларда таълим хизматлари соҳаси ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари аниқланди. Унга кўра, таълим хизматлари умумий ҳажмининг ўзгариши 2021 йилда 8216,7 млрд. сўмни, 2022 йилда 9023,5 млрд. сўмни, 2023 йилда 9830,2 млрд. сўмни, 2024 йилда 10636,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2025 йилга келиб 11443,7 млрд. сўмни ташкил қилди [10].

Ушбу кўрсаткичлар асосида таълим хизматлари умумий ҳажмининг оптимал миқдорини аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$TX = \left(\frac{1}{n} * \sum_{n=1}^n DX_{оп} \right);$$

Бунда:

TX – Таълим хизматлари умумий ҳажмининг оптимал миқдори;

n – йилларнинг умумий сони;

i – йиллар сони;

$DX_{оп}$ – давлат-хусусий шериклик асосида кўрсатилган хизматларнинг алоҳида йўналишлари бўйича оптимал ҳажми.

Юқоридаги маълумотлар асосида ҳисобкитоб қилинганда, таълим хизматлари умумий ҳажмининг оптимал миқдори 9830,2 млрд. сўмни ташкил қилади $(8216,7+9023,5+9830,2+10636,9+11443,7) / 5 = 49151 / 5$. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим хизматлари умумий ҳажмининг оптимал миқдорига асосан давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган таълим хизматларининг оптимал миқдори аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$DX_{оп} = \frac{\left(TX * \frac{DX_{оп,улуши}}{100} \right)}{Q_{ул,}}$$

Бунда:

$DX_{оп}$ – давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган таълим хизматларининг оптимал миқдори;

TX – таълим хизматлари умумий ҳажмининг оптимал миқдори;

$DX_{оп,улуши}$ – давлат-хусусий шериклик асосида кўрсатилган хизматларнинг умумий таълим хизматларидаги улуши.

Ушбу формула ва юқоридаги маълумотлар асосида $DX_{оп}$ нинг оптимал миқдори аниқланади: бу 2654,0 млрд. сўмни ташкил қилади $(9830,2*100/27)$. ДХШ умумий таълим хизматларидаги улуши ривожланган мамлакатларда 27,0 %ни ташкил қилмоқда. Буни инобатга олиб, методологик асос сифатида бизда ҳам 2025 йилга бориб, ушбу даража 27,0 %ни ташкил этиши мумкин, деган гипотезага асосан ушбу миқдорни қабул қилдик.

Энди давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган таълим хизматларининг оптимал миқдорини алоҳида йўналишлар бўйича ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$DX_{ш_i} = \frac{\left(TX * \frac{DX_{оп,улуши}}{100} \right) * Q_{ул}}{\frac{1}{n} * \sum_{n=1}^n DX_{оп}} * 100$$

$DX_{ш_i}$ – давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган таълим хизматларининг оптимал миқдорининг алоҳида йўналишлари бўйича умумий ҳажмидаги улуши;

$\left(TX * \frac{DX_{оп,улуши}}{100} \right) * Q_{ул}$ – давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган таълим хизматларининг оптимал миқдори;

$\left(\frac{1}{n} * \sum_{n=1}^n DX_{оп} \right)$ – Таълим хизматлари умумий ҳажмининг оптимал миқдори.

Ушбу формулага асосан ҳар бир йўналиш бўйича таълим хизматлари соҳасидаги давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-иқтисодий элементлари таркибидаги алоҳида оптималлик меъёрлари аниқланди:

$$ИХ = 929,0 * 100 / 2654,0 = 35,0 \%$$

$$М_{ДБ} = 663,5 * 100 / 2654,0 = 25,0 \%$$

$$М_{С} = 398,1 * 100 / 2654,0 = 15,0 \%$$

$$М_{СС} = 398,1 * 100 / 2654,0 = 15,0 \%$$

$$М_{СИ} = 265,4 * 100 / 2654,0 = 10,0 \%$$

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида таълим соҳасидаги ДХШнинг ташкилий-иқтисодий элементлари таркибидаги алоҳида элементларнинг оптималлик меъёрлари хусусий инвестиция бўйича $ИХ=35\%$ га, давлат бюджетидан молиялаштириш бўйича $М_{ДБ}=25\%$ га, субсидия бериш бўйича $М_{С}=15\%$ га, ссуда олиш бўйича $М_{СС}=15\%$ га ва солиқ имтиёзларини жорий қилиш бўйича $М_{СИ}=10\%$ га тенглиги оптимал меъёрлар сифатида таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириши асосланди.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, таълим хизматлари соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини хусусий инвестиция ҳамда дав-

лат бюджетидан молиялаштириш, субсидия бериш, ссуда олиш ва солиқ имтиёзларини жорий қилиш каби фискал дастакларининг элементларини мувофиқлаштириш мумкин экан. Таълим соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий меха-

низми ўзига хос бўлиб, бир вақтнинг ўзида манфаатлар муштараклигига (давлат, аҳоли, инвестор, бошқарувчи, талабалар, иқтисодиёт кабиларга) хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси./ "Халқ сўзи", 2022 йил 22 декабрь, № 273 (8335).
2. Дмитриева Е.А. Развитие государственно-частного партнерства в сфере высшего профессионального образования. Дисс. канд. экон. наук. – М., 2012.
3. Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора: формы, проекты, риски. – М.: Наука, 2005.
4. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? // Finance & Development. 2001. Vol.38. № 3. P. 1.
5. Модель государственно-частного партнерства в системе начального и среднего профессионального обучения для Санкт-Петербурга и Ленинградской области. – СПб., 2013 г. С. 7.
6. Shodmonov Sh.Sh., G'ofurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2010. – 542 b.
7. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш. PhD дисс. автореферати. – Т., 2017. – 57 б.
8. Schwarzman S., Pinheiro R., Pillay P. Higher Education in the BRICS Countries. HEDY, volume 44. 2015. – 492 p.
9. Тохиров Ж.Р. Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантириш. PhD дисс. автореферати. – Нукус, 2017. – 19 б.
10. Тохиров Д. Кўп омилли эконометрик моделлар асосида таълим хизматлари бозори ривожланиши мақсадли кўрсаткичларини шакллантириш. // Экономика и образование. 2021. № 5. С. 277-282.
11. www.pppknowledge.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган (мурожаат этилган сана: 15.05.20).



ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шоев Алим Халмуратович -

Гулистон давлат университети

Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a50

Аннотация. БМТнинг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши таълим тизимининг барча босқичларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш имкониятлари тамойилини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Жаҳон амалиётида ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим жараёнига интеграциялаш тамойилини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири инклюзив таълимдир. Мақолада Ўзбекистон олий таълим муассасаларида инклюзив таълимнинг бугунги ҳолати тадқиқ қилинган, бу борадаги муваффақият ва ютуқлар таҳлил қилиниб, олий таълим тизимига инклюзив таълимни самарали жорий этиш йўлидаги муаммо ва тўсиқлар аниқланган, олий таълимда инклюзив таълимни ҳар томонлама ва самарали ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, инклюзив таълим, ногирон шахслар, конвенция, концепция, норматив-ҳуқуқий база, олий таълим муассасаси, инфратузилма.

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Шоев Алим Халмуратович -

Гулистанский государственный университет

Старший преподаватель кафедры "Экономика"

Аннотация. Ратификация конвенции ООН «О правах инвалидов» Республикой Узбекистан требует кардинального пересмотра существующей системы образования Узбекистана с акцентом на реализацию принципа доступности общеобразовательных учреждений всех уровней для лиц с ограниченными возможностями здоровья. В мировой практике одним из направлений реализации принципа доступности в образовательный процесс лиц с инвалидностью является инклюзивное образование. В статье рассматривается текущая ситуация инклюзивного образования в высших учебных заведениях Узбекистана, проанализированы успехи и достижения в этом направлении, выявлены проблемы и барьеры препятствующие эффективно внедрению инклюзии в высшей школе, а также разработаны рекомендации для всестороннего и эффективного развития инклюзивного образования в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: цифровизация, инклюзивное образование, лица с инвалидностью, конвенция, концепция, нормативно-правовая база, высшее учебное заведение, инфраструктура.